“ПАРАЗИТ-ХЎЖАЙИН” ТИЗИМИДА ШИРАЛАР МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

М.Ҳ.Аҳмедов, А.К.Ҳусанов

Мақолада “паразит-хўжайин” тизимида ширалар морфометрик кўрсаткичларининг таксономик гуруҳлар бўйича ўзгариши ва бу жараён уларнинг тарихий-тадрижий, коэволюцион ривожланишидаги морфоэкологик адаптацияларидан бири эканлиги изоҳлаб берилган.

Калит сўзлар: *морфометрик кўрсаткич, қиёсий нисбат, мўйлов, шира найчаси, думчаси, болдир.*

В статье рассматриваются изменения морфометрических показателей тлей в различных таксономических группах. Особенности морфометрических показателей – это результат историческо-эволюционного развития, а также один из путей морфологической адаптации этих насекомых к условиям среды.

Ключевые слова: *морфометрический показатель, сравнительный показатель, усик, трубочка, хвостик, голень.*

The article discusses the changes of morphometric parameters of aphids in different taxonomic groups. Features morphometric parameters is the result of historical and co-evolutionary development, as well as one of the ways of morphological adaptation of insects to environmental conditions.

Key words*: morphometric index, the comparative figure barbel, tube, tail, thigh.*

“Паразит-хўжайин” тизимида ширалар морфометрик кўрсаткичларининг таксономик гуруҳлар бўйича ўзгаради ва бу жараён уларнинг тарихий-тадрижий, коэволюцион ривожланишидаги морфоэкологик адаптацияларидан бири саналади [1].

Ушбу мақолада “паразит-хўжайин” тизимида ширалар нинг озуқа ўсимликларида озиқланиш ва яшашга ихтисосланишига мувофиқ ҳолда морфометрик кўрсаткичларнинг ўзгариши қиёсий таҳлил этилган. Морфометрик қиёслаш натижаларига кўра, бу ҳолат ширалар нинг оилалари бўйича айрим турлар тана ўлчамлари ва уларга нисбатан мўйлов, шира найчаси, думча ва орқа болдир узунликлари қиёсий нисбатлари солиштирилганда аниқ ифодаланди (жадвал).

Ширалар мўйлови, шира найчаси, думчаси ва болдир узунликларининг танага нисбатан қиёсий кўрсаткичлари

Т/Р	Шира номи		Тана узунлигига нисбати			
		Тана узунлиги (мм.)	Мўйлов	Шира найчаси	Думчаси	Орқа болдир
1.	*Cinaratujafilina*	3,73	3,10	24,9	18,70	1,90
2.	*Tuberolachnussalignus*	5,20	2,48	-	-	1,45
3.	*Pterochloroidespersicae*	3,68	2,67	-	-	1,62
4.	*Panaphisjuglandis*	3,60	2,40	36,0	12,0	1,50
5.	*Lambersaphispruinosae*	2,20	1,96	44,0	27,5	2,27
6.	*Anuraphissubterranea*	3,39	2,88	21,2	33,9	2,42
7.	*Dysaphispyri*	2,64	1,58	10,2	22,0	2,53
8.	*Aphis pomi*	1,72	1,70	5,1	9,60	2,50
9.	*Aphis gossypii*	1,48	1,60	5,1	9,90	2,30
10.	*Myzuspersicae*	2,54	1,70	4,2	11,0	2,50
11.	*Acyrthosiphon gossypii*	3,01	0,72	1,98	7,92	1,58
12.	*Acyrthosiphon pisi*	4,54	0,90	3,46	5,89	1,73
13.	*Amphorophoracatharinae*	3,01	0,9	2,90	9,70	1,40
14.	*Macrosiphumrosae*	3,19	0,9	3,30	6,60	1,60

Жадвалда ифодаланганидек, Lachnidae оиласи ширалари (*Cinara tujafilina, Tuberolachnus salignus, Pterochloroides persicae*) тана ўлчамлари йирик бўлиб, мутаносиб равишда 3,78; 5,20; 3,68 мм ни ташкил этади. Мўйлов нисбатан узун, унинг тана узунлигига қиёсий кўрсаткичи 3,10; 2,48; 2,67 ни ташкил этади.

Lachnidae турларида шира найчалари, думчаси бўлмаслиги *мумкин ёки жуда калта бўлади. Жумладан, Tuberolachnus salignus* ва *Pterochloroides persicae*да бу органлар қиёсий кўрсаткичи нолга тенг бўлгани ҳолда, *Cinara tujafilina думчаси тана узунлигининг 24,9 дан бир, думчаси эса 18,70 дан бир қисмига тўғри келган. Сезиларли ҳаракатга эга бўлган бу турларнинг 3-жуфт болдир узунлиги қиёсий кўрсаткичлари мутаносиб равишда 1,90; 1,45 ва 1,62 даражани ташкил этган.*

Chaitophoridae оиласи турларида морфометрик кўрсаткичлар кескин пасайиб борган, улар калта мўйлов, думча, шира найчаларига эга, лекин болдири нисбатан узун эканлиги билан фарқланади. Масалан, *Lambersaphis pruinosae* мўйлов узунлиги танасининг 1,96 дан бирига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич шира найчасига нисбатан 44 ни, думчага нисбатан 27,5 ва 3-жуфт болдир узунлигига нисбатан 2,27 ни ташкил этган.

Drepanosiphidae оиласи вакиллари Lachnidae турларига тана ўлчамларининг яқинлиги билан характерланади. Масалан, *Panaphis juglandis* тана узунлиги (3,60 мм) га нисбатан мўйлов узунлиги 2,40 ни, шира найчаси 3,60 ни, думчаси 1,2 ни, орқа болдир эса 1,50 ни ташкил этган.

Aphididae оиласида Anuraphidina кенжа трибаси турлари қатор примитив белгиларга эга эканлиги билан фарқланади. Lachnidaeларга ўхшаш бу каби белгилар уларнинг морфометрик кўрсаткичларида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, *Anuraphis subterranea* тана ўлчами (3,39 мм), мўйлов (2,88), думча (33,9), шира найчаси (21,2) ва болдир узунлиги (2,42) кўрсаткичларининг Lachnidae оиласи айрим турлари кўрсаткичларига яқин эканлиги билан характерлан*ади.*

Dysaphispyri ширасида бу кўрсаткичлар сезиларли пасайиб боради *(2,64; 1,58; 10,2; 22,0; 2,53).*

Anuraphidina кенжа трибасидан Aphidina кенжа трибасига *томон ширалардаги морфометрик кўрсаткичлар пасайиб боради. Масалан, Aphis L. уруғи турларининг ўлчамлари нисбатан яқинлиги билан ажралиб туради. Бу ҳолатни Aphis pomi ва Aphis gossypii турлари мисолида ҳам кўриш мумкин.*

Ксерофил шароитга мослашган Brachyunguis Das, Xerophillaphis Nevs., Brevicorynella Nevs., Xerobion Nevs. уруғларига мансуб турларнинг морфометрик кўрсаткичлари янада кичиклашиб бориши кузатилди.

Myzinadан Macrosiphonina кенжа трибасига томон ширалар ўлчамлари яна йириклашиб боради. Эволюцион жиҳатдан энг ёш турларни ўзига мужассамлаштирган Macrosiphonina кенжа трибасининг аксарият кўпчилиги ўтсимон ўсимликларнинг кўп йиллик турларида тўлиқ ҳаёт циклини ўтказишга мослашганлиги билан ажралиб туради.

Myzina кенжа трибаси вакили бўлган *Myzus persicae* ширасида тана ўлчами анча юқори (2,54 мм) бўлиб, мўйлов (1,70), шира найчаси (4,2), думчаси (11,0) ва болдир узунлиги (2,50) ҳам юқорилиги билан характерланади.

Macrosiphonina турлари тана ўлчамлари кўрсаткичлари озуқа ўсимлигида очиқ колонияларни ҳосил қилиб яшаш бўйича Lachnidae турларидаги ҳолатни қайтаради. Лекин бу турларнинг барчасида тана узунлиги энига нисбатан юқори, шира найчалари, думчаси, оёқлар узун эканлиги билан характерланади. Масалан, *Macrosiphum rosae тана узунлиги 3,19 бўлганда, мўйлов узунлиги унинг 1/3 қисмини ташкил этган, шира найчаси ўлчами юқори (3,30), думчаси эса тананинг 6,6 қисмига тўғри келади.*

“Паразит-хўжайин” тизимида шираларнинг озуқа ўсимлигида озиқланиш ва яшашга ихтисосланиши уларнинг коэволюцион ривожланиш жараёнида идеоадаптация йўналишида кетганлиги билан ажралиб туради.

Адабиётлар:

1. Ахмедов М.Х. Тли - афидиды (Homoptera, Aphidinea, Aphididae) аридно-горных зон Средней Азии (экология, фауногенез, таксономия).: Дис. ... докт. биол. наук. –Ташкент, 1995. - 202с.

2. Зокиров И., Ҳусанов А., Юлдашев Ф. Шафтоли тана ширасининг морфологик ўзгарувчанлик хусусиятлари. // “Ботаника, экология, ўсимликлар муҳофазаси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Андижон, 2007 йил 30-31 май.- Б.240-241

Андижон давлат университети,
2016 йил 4 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: б.ф.н. Х.Сулаймонов)